# ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДАНҒАРА ТУМАН КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚИРҚ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Сессия ишида туман Кенгаши депутатлари, сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияни халқ депутатлари туман Кенгашининг раиси Ш.Тожихакимов очди ва олиб борди.

Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман хокимининг ёрдамчилари фаолияти самараси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Данғара туманидаги Халқ қабулхонаси мудири Мамаджанов Бахромжон Аҳмедовичнинг ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 февраль кунги 15 сонли кенгайтирилган тарзда ўзтказилганйиғилишида “Чорвачилик ва ипакчиликни ривожлантириш сохасида амалга ошириладиган устивор вазифалар” тўғрисида туман хокими ўринбосари Шокиров Шухратжон Султонбоевич ахбороти бериб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февралдаги Ф-22-сонли фармойиши ижросини таъминлаш юзасидан туман Халқ таълими тизимида амалга ошириладиган ишлар тақдимоти ҳамда “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш тўғрисида бўйича туман Халқ таълими бўлими мудири Содиқов Алимардон Абдуҳолиқович хисобот бериб ўтди.

Шунингдек сессия кунтартибига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,
2022-03-14 19:40:22